

895 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا عَطَسَ وَضَعَ يَدَهُ أَوْ تُوبَهُ عَلَى فِيهِ، وَحَفَضَ - أَوْ غَضَ - بِهَا صَوْتَهُ، شَكَّ الرَّاوِي. رَوَاهُ أَبُو دَاؤْدَ، وَالترِمْذِيُّ وَقَالَ حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ [د 5029، ت 2745]

895. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам акса урсалар, қўллари ёки кийимларини оғизларига қўяр эдилар, овозларини пасайтирас [ёки тияр] эдилар».

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти. Термизий ҳасан, саҳих, дедилар.

Шарҳ: Бошқа ҳадисларда қуйидагича келтирилган:

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ аксани яхши кўради ва эснашни ёмон кўради. Бас, ким акса ургандан кейин «Алҳамдулилаҳ» деса, буни эшитган ҳар бир мусулмонга унга «Ярҳамукаллоҳ» дейиш ҳақ бўлади.

Эснаш эса, шайтондандир. Кимнинг эснагиси келса, кафтининг орка томони билан оғзини тўсиб иложи борича уни қайтарсин. Бас, у «Хооҳ» деса, шайтон унинг учун кулади», дедилар».

Ушбу ҳадисда ҳар бири кишида ҳар куни учраб турадиган икки ҳолатга нисбатан Ислом одоби, Ислом маданияти, Ислом аҳлоқи баён қилинмоқда. Тумовдан бошқа вақтдаги акса уриш одатда енгиллик аломати бўлади. Акса уриш яхшилик аломати бўлганлиги туфайли, акса урган киши Аллоҳга ҳамд айтиши керак экан. Буни эшитган ҳар бири киши эса акса урган кишига «Ярҳамукаллоҳ», яъни Аллоҳ сенга раҳм килсин, дейиши Ислом одобларидан экан.

Бунга ҳар бир мўмин-мусулмон амал қилиши керак.

Эснаш кишининг жисми ва руҳи оғирлашгани, хиралашгани аломатидир. У

ҳеч қачон яхшилик аломати бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун мусулмон киши ўзидан эсноқни иложи борича қайтариши керак бўлади.

Акса урганда нима дейилади?

Ибн Аббос розияллоҳу анҳума розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши акса уриб, «Алҳамдуиллаҳ» деса, унинг ҳузуридаги фаришталар «Роббил оламийн» дейди. Банда ҳам «Роббил оламийн» деса, фаришта «Аллоҳ сенга раҳм қилсин» дейди».

Демак, акса уриб, «Алҳамдуиллаҳ» деган кишига фақат атрофда эшитиб турган кишилар эмас, балки кўзимизга кўринмайдиган, бироқ доим ёнимизда бўладиган фаришталар ҳам жавоб беришга шай туришар экан. Акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтмаган киши бундан маҳрум бўлиб қолар экан.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши акса урса, «Алҳамдуиллаҳ» десин. Буни эшитган биродари унга Ярҳамукаллоҳ» (Аллоҳ сенга раҳм қилсин) десин. Буни эшитган акса урган киши «Яҳдийкаллоҳ ва йуслиҳу баалака (Аллоҳ сени ҳидоят қилсин ва сени ишингни ислоҳ қилсин)» десин», дедилар».

Демак, акса урган ва буни эшитган икки мусулмон ўртасида ана шундай ўзаро дуо бўлиши керак экан. Ислом аҳлоқи, суннати, маданияти ана шундай экан. Буни ҳар бир мўмин-мусулмон билиши, билмаганларга ўргатиб бориши керак экан.

Акса урувчи ташмити:

«Ташмит» сўзи яхшилик ва барака тилаш маъносини билдиради. Шунингдек, душманга ёмонлик келтирувчи нарсадан хурсанд бўлиш маъноси ҳам бор.

Абдурроҳман ибн Зиёд ибн Анъам Ифриқийдан ривоят қилинади: «Отам менга айтиб берилича улар Муовиянинг даврида денгизда ғазотга боришган экан. Кемамиз Абу Айюб Ансорий минган кемага бориб қўшилди.

Тушки овқатимиз келтирилганда унга одам юбордик. У ҳузуримизга келди ва:

«Мени чақирибсизлар. Мен эса рўзадор эдим. Лекин даъватларингизга жавоб беришим керак бўлгани учун келдим. Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Албатта, ҳар бир мусулмонни ўз биродарида олтида вожиб ҳаққи бор. Бирини тарк қилса, битта вожибни тарк қилган бўлади. Кўришганда салом беради. Даъват қилса, ижобат қилади (чақирса, бориш). Акса урганда яхшилик тилайди. Бемор бўлса, бориб кўради. Вафот қилганда, жанозасига ҳозир бўлади. Насиҳат сўраса, насиҳат қилади», деганларини эшитганман», деди. «Биз билан бир ҳазилкаш киши бор эди. У таомимизга қўшилган одамга «Аллоҳ сенга хайр ва яхшиликни мукофот қилиб берсин» деди. Келган киши унинг гапи кўпайганда ундан ғазабланди. Шунда у Абу Айюба:

«Мен бир кишига «Аллоҳ сенга хайр ва яхшиликни мукофот қилиб берсин» десам, ғазабланиб, мени сўккан одам ҳақида нима дейсан?» деди. Абу Айюб: «Биз «Бирорга яхшилик тўғри келмаса, уни ёмонлик тўғрилайди» дер эдик. Бас, унга тескарисини айт», деди. У келганида: «Аллоҳ сенга ёмонлик ва қийинликни мукофот қилиб берсин» деди, у киши кулди ва рози бўлган ҳолда: «Ҳеч ҳазилингни қўймас экансан-да», деди. Шунда ҳазилкаш киши: «Аллоҳ Абу Айюб Ансорийга яхшиликни берсин» деди».

Бу ривоятда мусулмонларнинг биринчи авлодида катта ва ҳурматли кишиларнинг эъзоз ва эҳтироми ҳамда катталарнинг ўзидан кейингиларга тарбияси ўз ифодасини топган. Ровийнинг отаси аъзо бўлган жамоа аъзолари катта саҳобий Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анхуни ҳурмат қилиб ўз тушлик таомларига чақириб келиш учун одам юборганлар.

Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анху ўзлари нафл рўза тутган бўлсалар ҳам мазкур даъватни қабул қилиб чақириувчилар ҳузурига ташриф буюрганлар ва шу мавзу бўйича ўзлари билган ҳадисни айтиб берганлар. Шу билан бирга у киши мазкур жамоа аъзолари ўртасида ўзаро муносабатда пайдо бўлган чигални ечишда ҳам ёрдам берганлар. Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анхунинг ўзларини бирга тушлик қилишга даъват қилган жамоа аъзоларига айтиб берган ҳадисларида мусулмоннинг мусулмондаги ҳақлари тўғрисида сўз юритилган. Улар олтидадир.

Мана шу олти амал мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларидаги ҳаққидир.

1. Кўришганда саломлашиш.

Бу шаръий кўрсатмаган амал қилиш мусулмоннинг мусулмондаги вожиб ҳақи экан. Мўмин-мусулмонлар бир-бирлари билан саломлашмай ўтиб кетса, тарки вожиб содир бўлади. Улар бир-бирининг ҳаққини поймол қилган бўлади.

2. Бирор мусулмон томонидан валиймага таклиф қилинган киши таклиф қилинган жойга бориши керак. Мана, буюк саҳобий Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳу рӯзадор бўлишларига қарамай, хурматли, обрў-эътиборли кишилар эмас, оддий одамлар чақирса ҳам, буни уларнинг ҳаққи деб билиб, келдилар.

3. Акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтган кишига жавоб бериш ҳам ўша кишининг ҳаққи.

Бу амал адо этилмаса, бир мўмин-мусулмоннинг ҳаққи поймол бўлади. Бу ҳам мусулмон жамиятининг жипслигини, ўзаро хурматни мустаҳкамлайдиган муҳим омилдир.

4. Ана шундай муҳим омиллардан яна бири бемор ётган биродарини зиёрат қилишдир.

Бемор бўлиб қолган биродарини кўриш ҳам мўмин-мусулмонларнинг бурчидир. Узрсиз, хаста бўлиб ётган биродарини бориб кўрмаган киши унинг ҳаққини адо этмаган бўлади.

5. Мўмин-мусулмон киши қазои қадари етиб, вафот этганда биродарларида унинг сўнгги ҳаққи қолади. Мусулмонлардан бир гуруҳи жанозага ҳозир бўлиши, имкони бўлса, уни ювишда, кўмишда иштирок этиши лозим. Акс ҳолда, бу ҳақ поймол бўлади. Буни фарзи кифоя дейилади. Масалан, бир кишининг вафот этганлигини эшитган кишилардан ҳеч бўлмагандан биттаси унинг жанозасига қатнашса, фарзи кифоя адо этилган бўлади. Бир гуруҳ мусулмонлар бу ишни қилса, бошқалардан бу вазифа соқит бўлади.

6. Насиҳат ҳам шундай. Насиҳатга, маслаҳатга муҳтож бўлиб қолган кишига биродарлари тўғри, холис маслаҳат бериши ҳам мўмин-мусулмонларнинг бурчи.

Ушбу қисса таълим-тарбия мавзусида экан. Бир киши ўзига қилинган яхши дуога яхши жавоб қайтариши, ташаккур айтиши керак. Буни нотўғри тушуниб, ҳар хил қўпол сўзлар гапириш эса одобдан эмас, чунки бу яхшиликни ёқтираслик бўлиб қолади. Яхшиликни истамаган одамга ёмонлик етади. Бу қиссада ҳам шундай бўлди. Яхши дуони тушунмай, аччиғи келган кишига ёмон дуо қилинди. Шунинг учун ўзаро муомалада жуда эҳтиёт бўлиш, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш керак экан.



NUBUVVAT MARVARIDLARI